

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

ўқув машғулоти дастури (силлабус)

Ўқув машғулотида оид маълумотлар

Ўқув машғулоти номи: “Коррупцияга қарши курашиш”

Соатлар сони: 13 соат

Ўқув машғулоти муаллифи: Д.Бухаров

I. ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ТАВСИФИ

Мазкур курс коррупция тушунчаси ва унинг шакллари, коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни, жамиятда коррупцияга муносабат, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик, ташкилотда коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар, коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт, ташкилотдаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи, ташкилотдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш, ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари, маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар, коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари), коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар, коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик, коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик, Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи, коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли каби масалаларга бағишланади.

Ўқув машғулоти Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги марказий аппарати ходимлари, ҳудудий бошқармалар, Ёшлар ишлари агентлиги ва ҳудудий бошқармалари, спорт мактаблари ва тизим ташкилоти ходимлари учун олиб борилади.

II. ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ

Ўқув машғулотида вазирлик тизимидаги барча ходимлар иштирок этиши, ўтилатган ўқув машғулоти чуккур ўрганиш, ўрганган билим ва кўникмаларини амалиётга қўллаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларни ўрганиш ҳамда ушбу ҳужжатларда белгиланган қоидаларга оғишмасдан риоя қилиш.

III. АННОТАЦИЯ

Ўқув машғулоти индивидуал ва жамоавий вазифаларнинг уйғунлиги асосида, назарий ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган машғулот тарзида ташкил этилган. Мазкур ўқув машғулоти ходимларнинг коррупциявий ҳуқуқбузарликлар соҳасидаги ҳуқуқий билимларини чуқурлаштиришига хизмат қилади.

IV. ЎҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ МАҚСАДИ:

Ходимларга коррупция, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик, вазирликда қабул қилинган коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар, коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари), Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли, коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик масалалари тўғрисида назарий таълим бериш ва амалий кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади.

Курс вазифалари:

коррупцияга қарши курашишга оид халқаро стандарт ва халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш тўғрисидаги кўникмаларини шакллантириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ва вазирликда қабул қилинган коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатларни ўргатиш;

коррупцияга қарши курашишга оид стратегик ва аналитик фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;

коррупциявий жиноятлар ва уларни олдини олиш ҳамда профилактика қилишга оид фундаментал билимларни шакллантириш;

коррупциявий ҳолатларга дуч келган ходимларда ушбу ҳолатлар ҳақида раҳбарият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар қилиш кўникмасини шакллантириш.

V. ЎҚУВ МАШҒУЛОТИДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР

Ўқув машғулоты якунида ходимлар қуйидагилар бўйича билимга эга бўладилар:

коррупция тушунчаси, турлари ва унинг юзага келиш шакллари, коррупциянинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи тўғрисида;

коррупцияга қарши халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва уларнинг ривожланиш тарихи, коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари тўғрисида;

республикада коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг ушбу соҳадаги вазифа ва ваколатлари тўғрисидаги дастлабки билимларга эга бўлиши;

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида миллий қонунчилик моҳиятини англаш.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўладилар:

олинган билимларни фаолияти давомида қўллаш;

коррупция ва унга қарши курашишга оид стратегик ва таҳлилий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш;

коррупцияга од ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ўзига хос атамалар ва манбалардан фойдаланиш;

коррупцияга од ҳуқуқбузарликлар қарши кураш тўғрисидаги халқаро тажрибани ўрганиш;

коррупциявий ҳолатларга дуч келганда қандай тартибда ҳаракат қилиш.

VI. ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ РЕЖАСИ

Жадвал: Жами соатлар мавзулар бўйича тақсимланган

№	Мавзу	Компонентлар	Ўқув машғулоты соатлари	Ўтказиш тартиби
1.	1-мавзу. Коррупциянинг табиати	Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари; Коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни; Жамиятда коррупцияга муносабат	2	
2.	2-мавзу. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари	Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик; Ташкилотда коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар; Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт.	2	
3.	3-мавзу. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш усуллари	Ташкилотдаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи; Ташкилотдаги манфаатлар тўқнашувининг	2	

		олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш; Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати; Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари; Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш; Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар; Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари).		
4.	4-мавзу. Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар	Ташкилотда хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари; Назорат-рухсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар; Совғалар ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар; Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ходимларни Ташкилотга танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар; Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Турли ҳужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар; Ташкилот фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар.	2	

5.	5-мавзу. Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик	Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик; Коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик; Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи	2	
6.	6-мавзу. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли	Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида; Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш; Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва ҳуқ-атворини шакллантириш; Фуқаролик жамияти институтларининг Ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги.	2	
7.	Ўтилган мавзулар бўйича ходимларнинг билимларини текшириш	Тест	1	
Жами:				

2. ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ТАРКИБИ

В. Курснинг мазмуни:

1-мавзу. Коррупциянинг табиати.

1. Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари;
2. Коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатидаги мазмуни;
3. Жамиятда коррупцияга муносабат

Зарурий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” ги Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>.

2. Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions and related documents. [Электрон манба]. URL: www.oecd.org/daf/anti-bribery/ConvCombatBribery_ENG.pdf.

3. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни//[Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.

4. Исмаилов Б.И. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва халқаро стандартлар тизими шаклланиши // Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази, ЮМОМ. 2019 й.

2-мавзу. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари.

1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик;
2. Ташкилотда коррупцияга қарши курашишга доир ички ҳужжатлар;
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро амалиёт.

Зарурий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 07.07.2008 йилдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” ги Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505>.

2. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни//[Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5729-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/-4355387>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6013-сонли Фармони <https://lex.uz/ru/docs/-4875784>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6257-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/-5495529>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5177-сонли қарори <https://lex.uz/docs/-5495533>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–81-сонли қарори <https://lex.uz/uz/docs/5819319>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–240-сонли қарори <https://lex.uz/uz/docs/6000285>.

9. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2022 йил 13 июндаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ички идоравий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 500 А/Ғ–сонли буйруғи.

10. “ISO 37001 - Anti-bribery management systems”/[Электрон манба]. URL: <https://www.iso.org/ru/standard/62342.html>.

11. Исмаилов Б.И. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва халқаро стандартлар тизими шаклланиши // Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази, ЮМОМ. 2019 й.

12. Шахриёров Ҳ.Ш. “Коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарлик: халқаро стандартлар ва хорижий тажриба”. Магистирлик диссертацияси. Тошкент давлат юридик университети, – 2022. – 86 бет

3-мавзу. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш усуллари.

1. Ташкилотдаги коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари, шунингдек муҳим чора-тадбирлар шарҳи;

2. Ташкилотдаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солиш;

3. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати;

4. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ходимлар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбурият ва ваколатлари;

5. Маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентлардан фойдаланиш. Маъмурий тўсиқ ва бюрократизмни бартараф этиш;

6. Коррупциявий ҳаракатлар/уларни содир этиш хавфи юзага келган вақтдаги ҳаракатлар;

7. Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар бериш (хабарларни узатиш каналлари, хабарлар мазмунига доир Йўриқнома, хабарларни кўриб чиқиш тамойиллари).

Зарурий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни/[Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.

2. Ўзбекистон Республикасининг 09.04.2018 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-472-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/docs/28144>.

3. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2022 йил 13 июндаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ички идоравий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 500 А/Ғ–сонли буйруғи.

4-мавзу. Коррупциявий хавф-хатарлар ва типик коррупциявий ҳаракатлар.

1. Ташкилотда хавф-хатарлар ва коррупциявий ҳаракатларнинг асосий турлари;
2. Назорат-рухсат бериш функциялари ва тартиб-таомиллари доирасидаги коррупциявий хавф-хатарлар;
3. Совғалар ва ишбилармонлик меҳмондўстлиги белгилари бериш/олишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;
4. Фуқаролар, контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзаро алоқалар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;
5. Ходимларни Ташкилотга танлаб олиш ва ишга қабул қилишдаги коррупциявий хавф-хатарлар;
6. Харидларни амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;
7. Турли хизмат турлари, функциялар учун лицензия бериш, шунингдек лицензия битимлари талаблари ва шартларини бажариш устидан назорат билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;
8. Биноларни ижарага бериш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;
9. Ўзаро ҳамкорлик ва тасарруфий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;
10. Танловлар билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;
11. Турли ҳужжат турлари экспертизасини ўтказиш, шунингдек улар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;
12. Давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ коррупциявий хавф-хатарлар;
13. Ташкилот фаолиятидаги бошқа хавф-хатарлар..

Зарурий адабиётлар:

1. Исмаилов Б.И., Маманов С.С. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат (compliance control) тизими. Монография //Масъул муҳаррир: – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020. – 115 бет.
2. Маманов С.С. “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида комплаенс назорат (compliance control) тизимининг ўрни ва аҳамияти: халқаро стандартлар ва хорижий тажриба”. Магистирлик диссертацияси. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, – 2020. – 98 бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни//[Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 09.04.2018 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ-472-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/docs/28144>.
5. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг 2022 йил 13 июндаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ички идоравий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 500 А/Ғ–сонли буйруғи.

5-мавзу. Коррупциявий ҳаракатлар учун жавобгарлик.

1. Коррупциявий ҳаракатлар учун интизомий жавобгарлик;
2. Коррупциявий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик;
3. Ўзбекистон Республикасининг коррупциявий ҳаракатларга доир ишлари бўйича суд амалиёти шарҳи

Зарурий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси <https://lex.uz/docs/111453>
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси <https://lex.uz/docs/6257288>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/uz/docs/6145972>.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори <https://lex.uz/uz/docs/6236838>.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисидаги Қарори <https://lex.uz/docs/1449106>.

6-мавзу. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти роли.

1. Жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашиш воситаси сифатида;
2. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;
3. Коррупцияга қарши жамоатчилик фикри ва ҳуқ-атворини шакллантириш;
4. Фуқаролик жамияти институтларининг Ташкилот билан ўзаро ҳамкорлиги.

Зарурий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/3088008>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/-5495529>.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни <https://lex.uz/docs/3679092>.

VII. ТЕСТ СИНОВЛАРИ

Ўтилган ўқув машғулотлари якуни бўйича жами 25 та тест саволлари шакллантирилади ва ҳар бир тўғри жавоб 4 баллдан баҳоланади.

(Изоҳ: Заруратга кўра тест саволлари кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар саволлар сонига ўзгартириш киритилса, 100 баллга мутаносиб равишда ҳар бир саволга балл берилади)

VIII. ИМТИҲОН ТУРИ ВА БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

Синов тури	Баллар (Фоииз)	Тавсифи
Ўтилган мавзулар юзасидан тест синавлари ўтказилади	100–86	Аъло
	85-71	Яхши
	70-56	Қониқарли
	55-0	Қониқарсиз